



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Учинчи Ренессансни шакллантириш таълим сифатига, таълим сифати педагогинг масъулиятига боғлиқ	5
Зокир Сайфиддинович Артиков, Дамир Улугбекович Хакимов Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари	10
Зариф Юсупович Аминов Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари	16
Шокиржон Шарипжонович Банноев Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифалари	20
Shahloxon Shavkatovna Sharifova Halol ovqatlanishga doir asosiy kategoriyalar mohiyati va zarurati	25
Акмал Алимжонович Салимов Мамлакат тараққиётини таъминлаш ва уни самарали бошқаришда инсон капиталининг ўрни	31
Ziyobidin Shaminovich Suvonov, Mavluda Shuxratjon qizi Shuxratjonova Halol oziq-ovqat sanoati va uni O‘zbekistonda rivojlantirish istiqbollari	37
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Нозир Алиевич Ибрагимов Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва худуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш – тараққиёт гарови	42
Шухрат Маъруфжонович Исломов, Нодира Абдуллаевна Эшқувватова Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларининг фаол бандлик сиёсати	46
Sardorbek Isroiljon o‘g‘li Qodirov O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish tahlili	51
Зарина Ҳусановна Рафиева Рақамли технологиялар орқали банк-молия хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	57
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рўзибой Нормухаматов, Акрам Джуракулович Ғафуров Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг илмий асосларини билиш – нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим омилidir	63
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва унинг муаммолари	65
Раънохон Махмудовна Каримжанова Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари	68
Музаффар Мусаевич Усмонов К вопросам развития кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана	72

ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Нозир Алиевич Ибрагимов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия”
кафедраси профессори в.б., иқтисод фанлари доктори

ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ ВА ҲУДУДНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Аннотация: ушбу мақола Самарқанд вилоятида тадбиркорларнинг мурожаатлари билан ишлаш, тадбиркорлик учун шароитларни яхшилаш, ҳудуднинг инвестицион жозибadorлиги, уларнинг бизнес ўсишига таъсири бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирларга бағишланган бўлиб, тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик муҳити, тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш, тадбиркорлар мурожаатлари, тадбиркорлар қабуллари, стартап лойиҳалари, лойиҳа гуруҳлари, тизимли ишлар.

Кириш. Кенг қўламли ва самарали ислохотлар натижасида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80,0 миллиард доллардан ошди. Иқтисодиётимизга 2022 йилнинг ўзида 8,0 миллиард тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз 19,0 миллиард долларга етди. Бу натижаларга халқимизнинг фидокорона меҳнати билан бирга юртимизда тадбиркорликка яратилган қулай шароитлар туфайли эришилди.

Самарқанд вилоятининг ялпи ички маҳсулоти ўтган йили 43,5 триллион сўмни ташкил қилиб, ҳудуд иқтисодиётига 260,0 млн.долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспорт эса 578,2 миллион долларни ташкил этди.

Янги Ўзбекистонимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишидан жадал тараққиёт йўлига ўтишида тадбиркорликнинг ривожига кўмаклашиш ҳар бир давлат раҳбарининг ва хизматчисининг устувор вазифаси сифатида белгиланганлиги ва уни амалга ошириш устида барча даражадаги идорларнинг туну-кун иш олиб бораётганлигидадир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Тадбиркорлик муҳити жуда кенг тушунча бўлиб, хорижий адабиётларда унинг турли жаҳалари иқтисодчи олимлар томонидан таҳлил этиб келинган.

Devi R. Gnyawali, Daniel S. Fogel тадбиркорлик муҳитини таҳлил қилишда корхонанинг ички омиллари, тадбиркор малакалари ва кўникмаларига урғу беришади, атроф-муҳит шароитларининг тадбиркорнинг имкониятларини ривожлантириш ва тадбиркорларнинг тадбиркорликка мойиллиги ва қобилятини оширишдаги ролига алоҳида эътибор берилади.

Сингапур менежмент университети тадқиқотчилари T. Tan, W. Tan, J. Young (2000) тадбиркорлик инфратузилмасига урғу бериб, бу тушунчага янги корхоналар пайдо бўлишини, кичик ва ўрта корхоналарнинг ўсиши ҳамда ривожланишини рағбатлантирадиган омил сифатида қарашади. Ишлаб чиқилган ва Сингапур халқига татбиқ этилган тадбиркорлик инфратузилмаси моделини таҳлил қилишади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, анализ ва синтез, мантиқий ва қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қонунчиликда янада мустаҳкамлашга алоҳида урғу берди: “Эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Конституцияда алоҳида ўрин эгаллаши керак”.

Бу борада биринчи қадамлар қилиниб, 2023 йил 1 январидан қўшилган қиймат солиғи 15 фоиздан 12 фоизга туширилиб, унинг эвазига ривожланиш учун тадбиркорлар

ихтиёрида 13,0 триллион сўм айланма маблағнинг қолиши иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида минглаб янги иш ўринларини яратишга, аҳолимиз бандлигини оширишга хизмат қилади.

Самарқанд вилоятида тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш учун бир қатор тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Биринчи йўналиш, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси (кейинчалик ушбу матнда “Тадбиркорлар палатаси”) тадбиркорлар мурожаатлари билан ишлаш доимий штабига айлантирилган. Вилоят ҳокимлиги ва вилоят ташкилотларига тадбиркорлик борасидаги барча мурожаатлар Тадбиркорлар палатасига йўналтирилади. Тадбиркор ўз муаммолари акс эттирилган ёзма мурожаатни қолдиради, ҳар бир мурожаат рўйхатга олинади ва масъуллар томонидан синчиклаб ўрганилади. Кейинги қадам – мурожаат кўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича мутасадди вилоят, шаҳар ва туман ташкилотларига етказилади. Ўз навбатида мурожаат ечими устида ишлаш жараёнида тадбиркорлик субъектига чиққан ҳолда муаммо жойида ўрганилади ва уни ҳал қилиш устида ишланади. Тадбиркорлар палатаси мутасаддилари ҳар бир мурожаат устида ишлаш жараёнини мониторинг қилиб боришади.

Ҳар ҳафта якунида ечилмаган муаммолар бўйича Тадбиркорлар палатаси яна бир бор ижрочи мутасаддилар билан муҳокама қилиб чиқади, агар ечими ҳақиқатан ҳам мураккаб бўлса, бу мурожаатлар ҳар душанба куни вилоят Тадбиркорлар палатасида бўладиган вилоят ҳокимининг қабулида бирма-бир тадбиркор иштирокида кўриб чиқилади. Муҳокамага масала ечимига дахлдор ташкилотлар раҳбарлари ҳам таклиф этилади, агар муаммо ечими ўз ваколати доирасида бўла туриб, лоқайдликка, ҳаракатсизликка йўл қўйилган бўлса, ташкилот раҳбарига нисбатан қонунчиликда белгиланган интизомий чоралар кўрилади. Агардаким, масала кўшимча ўрганиш ёки уни амалга ошириш учун вақт талаб қилса, мурожаат белгиланган муддатда ижро этиш бўйича назоратда сақланиб турилади.

Бу ўринда Тадбиркорлар палатасининг масъуллигини ҳам айтиб ўтиш ўринли – бу идоранинг сусткашлиги ёки эътиборсизлиги билан бирор мурожаат мутасаддиларга етиб бормаса, вилоят ҳокими олдида бу идоранинг раҳбари ҳам жавоб беради.

Механизм самараси яққол кўзга ташланади – мурожаатларнинг катта қисми ҳафта мобайнида мутасадди ташкилотлар томонидан кўриб чиқиш жараёнида ўз ечимини топган. Ҳатто шунақа ҳолатлар бўлганки, ҳафта мобайнида муаммолар тўлиқ ечилиб, вилоят ҳокими даражасида кўриб чиқиш учун масала қолмаган.

Бу таъсирчан ва тизимли ишлар туфайли Тадбиркорлар палатасида тадбиркорлар ўз дардлари билан бевосита вилоят ҳокими ва вилоят сектор раҳбарларига мурожаат қилиш имконига эга бўлишди, тадбиркорлар муаммолар ечиш адолатли механизми пайдо бўлди, тадбиркорда давлат идораларига ишонч орта борди. Фақат 2022 йил мобайнида 36 маротаба тадбиркорлик субъектлари фаолиятида учраётган муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича ҳар ҳафтанинг душанба куни тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, уларда жами 889 та тадбиркорлик субъектлари томонидан турли даражадаги муаммоли масалалар рўйхатга олинган. Мурожаатларнинг 628 таси (71 фоизи) ижобий ҳал этилди, 63 (7 фоизи) тасига рад жавоби ва 198 (22 фоизи) тасига тушунтириш берилган.

Иккинчи йўналиш, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларида ташкил этилган тадбиркорлар қабуллари. Ҳар бир шаҳар ва туман ҳокимликларида ҳокимларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан тадбиркорлар қабуллари ҳар ҳафта ўтказилиб келинмоқда. Бу қабулларда шаҳар, туман даражасидаги муаммолар жойида ҳал этилиши, вилоят ва республика даражасидаги муаммолар ижроси назоратга олинди, мутасадди идоралар билан доимий тарзда ишлаб, ечимини шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан назорат қилиниб борилади.

Учинчи йўналиш, тадбиркорлар муаммоларини кўриб чиқиш учун вилоят ҳокими томонидан соҳалар кесимида учрашувлар ўтказиш, тадбиркорларнинг муаммолари ва соҳани ривожлантириш таклифларини эшитиш бўлиб ҳисобланади. Бу амалиёт ҳам самара

бериб келмоқда. Бу каби муҳокамалар доимий тарзда ташкил этиб борилади. Ўтган йилда қурилиш ташкилотлари, кластер ташкилотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, чарм - пойафзал, заргарлик ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари билан муҳокамалар ташкил этилиб, муаммолар ечими бўйича топшириқлар берилиб, уларнинг ижроси назоратга олинди.

Тўртинчи йўналиш, вилоят ҳокими тадбиркорнинг муаммоси мураккаб бўлган ҳолатларда мутасадди раҳбарлар билан жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва унинг ечимини топиш амалиётини ҳам жорий қилган. Бу амалиёт ҳам ўз самарасини бериб келмоқда, масалани ҳам тезкор, ҳам тўғри ҳал этиш имконини беради.

Бешинчи йўналиш, бу вилоят ҳокимлигининг вилоят ташкилотлари иштирокида мақсадли учрашувлар ва муҳокамалар. Мисоллар тариқасида вилоят божхона бошқармаси ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган корхоналар билан, Марказий банк вилоят бошқармаси билан кредит жалб этган ҳолда инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари билан учрашувларни, заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга яратилган янги имтиёзлар ва қулайликларни тушунтириш бўйича учрашувларни келтириш мумкин. Бу учрашувларда муаммоларни кўриб чиқиш билан бирга, тадбиркорлардан амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга таклифлар ҳам бериб келинади.

Олтинчи йўналиш, тадбиркорлик муҳитини яратиш бўйича амалга оширилаётган ижобий амалиётлардан бири сифатида вилоятдаги Тадбиркорларнинг жамоатчилиги маслаҳат Кенгаши фаолиятини келтириш мумкин. Кенгаш ўз фаолиятини 2021 йил июнь ойида бошлаб, унга шаҳар ва туманларда турли соҳаларда тадбиркорлик қилиб келаётган йирик корхоналар раҳбарлари аъзо бўлиб, Кенгаш йиғилишларида вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун муҳим муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинади.

Йиғилишлар одатда тадбиркорлик субъектларида ташкил этилади ва тадбиркорнинг ижобий тажрибаси, эришган ютуқлари, янги истиқболли лойиҳалари билан танишилади. Кенгашнинг йиғилишлари Самарқанд туманидаги “Навобод насли парранда” фермер хўжалиги, Самарқанд шаҳридаги “Регал палас” меҳмонхонаси, Қўшработ тумани Зармитан тоғ-кон мажмуаси (Жомбой туманидаги “Агро Гумуш” МЧЖ томонидан ташкил этилган), “Азия металл проф” металлургия корхонаси, Самарқанд шаҳридаги “Нурли Келажак Ишонч Сервис” қурилиш ташкилоти, Самарқанд шаҳридаги “Сам Антеп Гидам” гидамчилик корхонаси, Самарқанд туманидаги “Агромир” корхонаси, Самарқанд шаҳридаги “Зарафшон текстил” корхоналарида ташкил этилди.

Кенгаш аъзолари ташаббуси билан "Ишбилармонларнинг "Янги Самарқанд" худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашувчи жамоат фонди" ташкил этилиб, унинг маблағлари ҳисобидан вилоят учун муҳим лойиҳаларни молиялаштириш белгилаб олинди. Ўтган даврда “Самарқанд вилоятида театр, концерт ва бошқа маданий тадбирларга аҳолини тизимли жалб этиш механизминини ишлаб чиқиш” ва “Озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўконларида хизмат сифатини ошириш” стартап лойиҳалари молиялаштирилди ва амалга оширилди. Самарқандда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар “Made in Samarkand” босма ва электрон каталоги лойиҳаси маъқулланиб, унинг устида иш олиб борилади.

Кенгаш аъзолари томонидан Самарқанд шаҳри экологияси учун ўта муҳим бўлган “Сиёбча” канали бўйларини ободонлаштириш, уни аҳоли учун жозибадор сайргоҳга айлантиришга биргаликда киришишга келишилди.

“Янги Самарқанд” фонди қошида лойиҳалар гуруҳи ўз фаолиятини бошлаб, Кенгаш аъзоларига 5 та инвестицион лойиҳа таклифи тақдим этилди, булар: “Юк ташувчи электрмотоцикллар ишлаб чиқариш”, “Электромобилларни қувватлаш ускуналарини ишлаб чиқариш”, “Вилоятдаги каолин захираларини қайта ишлаш”, “Қуёш панелларини ишлаб чиқариш”, “Замонавий IT ва логистика марказини барпо этиш” лойиҳалари. Лойиҳаларга қизиқиш билдирган тадбиркорлар билан уларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик давом эттирилишига келишиб олинди.

Январь ойининг аномал совуқ келиш арафасида Кенгаш аъзоларининг халқ дарди билан ҳамнафас бўлиб, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш ташаббуси барча тадбиркорлик қатламларида ижобий бирдамликни уйғотиб юборди. Тезкор тарзда вилоят штаби ташкил этилиб, гўшт, гуруч, ўсимлик ёғи, шакар, макарон, картошка, иссиқ кийимлар, иссиқ ёпинғичлар қабул қилиниб, шаҳар ва туманларга эҳтиёжманд оилаларга чиқарилди, ҳисоб рақамига тушган маблағлар туман ва шаҳарларга кўмир хариди учун кўчириб берилди. Бу ташаббус туман ва шаҳарларда ҳам кенг қулоч ёзиб, барча тадбиркорлар ёрдам қўлини чўзишди.

Хулоса ва таклифлар. Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш тизимли тадбирлари таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1.Тадбиркорлик инфраструктурасини ривожлантиришда тадбиркорларнинг жамоат ташкилотлари, биринчи навбатда, Савдо-саноат палатаси мавқеини, унинг томондан тадбиркорларга кўрсатилаётган хизмат ва кўмаклар тури ва кўламини кенгайтириб бориш, тадбиркор бу тизим орқали барча муаммоларига ечим топишига эришишга интилиш керак.

2.Тадбиркорларнинг ҳудуд раҳбарлари, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимлари билан бевосита мулоқот қилиш имкониятларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш;

3.Тадбиркорлик субъектлари учун кадрлар малакасини ошириш, янги билим ва маҳоратларга, ахборот технологияларга ўргатиш имкониятларини кенгайтириш.

Самарқанд вилоятида тадбиркорликни тизимли қўллаб-қувватлаш бўйича юқорида қайд этилган йўналишларда тадбирлар давом эттирилади, тадбиркорлик янада ривожланиб, ҳудуднинг хорижий инвесторларга жозибадорлиги ошиб боради, янги-янги инвестицион лойиҳалар ташаббус қилишга, қўшимча иш ўринлари яратишга шароитлар яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20 декабрь 2022 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
2. Арипов О.А. Монография: Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш. –Т.: «Lesson press» нашриёти, 2021. – 236 б.
3. Devi R. Gnyawali & Daniel S. Fogel, 1994. "Environments for Entrepreneurship Development: Key Dimensions and Research Implications," *Entrepreneurship Theory and Practice*, vol. 18(4), pages 43-62, July.
4. T. Tan, W. Tan, J. Young (2000). Entrepreneurial Infrastructure in Singapore: Developing a Model and Mapping Participation. Singapore Management University Institutional Knowledge at Singapore Management University. <https://core.ac.uk/download/pdf/13245438.pdf>

<p>Н.Ибрагимов</p> <p>Улучшение деловой среды и повышение инвестиционной привлекательности региона – залог развития</p> <p>Аннотация: Данная статья посвящена проводимым системным мерам в Самаркандской области по работе с обращениями предпринимателей, улучшению условий для предпринимательской, инвестиционной привлекательности региона, их влиянию на рост бизнеса в регионе и приведены предложения по дальнейшему развитию предпринимательства.</p> <p>Ключевые слова: предпринимательская среда, поддержка предпринимательства, обращения предпринимателей, приём для предпринимателей, стартап проекты, проектные группы, системные работы.</p>	<p>N.Ibragimov</p> <p>Improving the business environment and increasing the investment attractiveness of the region - a guarantee of development</p> <p>Abstract: This article is devoted to measures taken in the Samarkand region to work with entrepreneurs' appeals, improve conditions for entrepreneurship, investment attractiveness of the region, their impact on business growth in the region and provides proposals for further development of entrepreneurship.</p> <p>Keywords: business environment, entrepreneurship support, appeals of entrepreneurs, reception for entrepreneurs, startup projects, project groups, system work</p>
---	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023